



ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 9 сентябрь ● сешанба ● № 39 (598) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

● 2008 йил — «Ёшлар йили»

ЮРТНИНГ ГОЛИБ ФАРЗАНДЛАРИ!

Мамлакатимиздаги олий ўқув юртлиридан 10 нафар талаба Корея Республикасида Осиёнинг 22 давлатидан таъриф буюрган 220 нафар ёшлар иштирокида ўтказилган «Осиё келажаги учун ёшлар» халқаро фестивалида фаол қатнашиб, голибликни қўлга киритдилар. Улар орасида «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасининг махсус мухбири Дилфуза Эргашева (иккинчи сурат чандан биринчи) борлиги тахририят жамоасининг ҳам ютуғидир.



Мамлакатимизда ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилганини оддийгина сўзлар билан ифодалаб бўлмайди. Бу улкан сиёсат замирида улғур юртнинг фарзандларига, миллатнинг келажагига улғур ишонч ётибди. Биз ёшлар эса ана шу ишонччи оқлашимиз, ўз билимимиз, иқтидоримиз билан миллатимиз байроғини янада юксакроқ кўтаришга ҳисса қўшишимиз лозим.

диётимиз, бугунги ривожланиш жараёнлари, урф-одатларимиз, маданиятимиз билан таништиришимиз лозим эди. Худди шундай ҳам қилдик.

Хар бир чиқишимиз учун махсус ўринлар таъсис этилган. Рақобат бор жойда, тайёргарлик ҳам шунга яраша бўлар экан. Рўйхат бўйича ўринлар эълон қилина бошланди. Ўзбекистонлик талабалар голиб бўлгани эълон қилинганида, кўзимиздан қувонч ёшлари оқди. Бизнинг ушбу талабамиз Ўзбекистон ёшларининг энг азиз, энг улғур байрамга муносиб тўғнаси бўлди.

Дилфуза ЭРГАШЕВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Суратларда: фестивалъ лавҳалари.

Бугун ёшлар учун барча имкониятлар эшиги кенг очилган. Маса-лан, ёшларни қўллаб-қувватловчи грантлар, уларнинг иқтидорларини намойиш этишга кўмаклашувчи дастурлар, имтиёзли стипендиялар ва мукофотлар...

«Ёшлар йили» мен учун жуда омадли келди.

Республикамиз олий ўқув юртлиридан 10 нафар талаба Корея Республикасида ўтказила-

диган «Осиё келажаги учун ёшлар», деб номланган грантнинг соҳиби бўлиб, мамлакатимиз мустақиллигининг ўн етти йиллик байрами арафасида Корея давлатида бўлиб қайтдик.

Бу ютуқ бизнинг зиммамизга улкан масъулият юклатди. Чунки, биз — ўн нафар талаба Она Ўзбекистонимизнинг бутун буй-бастини Осиё мамлакатлари ёшлари орасида намойиш қилиш, иқтисо-



● Адлия вазирлигида

ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ ТАЖРИБАСИ



Адлия вазирлигида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва миллий қонунчилик: имплементация қилиш тажрибаси» мавзусида конференция бўлиб ўтди.



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Адвокатлар ассоциацияси ва суд-ҳуқуқ тизими вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Анжуманда таъкидланганидек, инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастури муваффақиятли амалга ошириш учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Венада бўлиб ўтган инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи жаҳон конференциясининг ҳар бир мамлакатда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий тузилмалар тузиш тўғрисидаги қақирғига жавобан юртимизда ҳамдўстлик давлатлари ичида биринчи қатори мунайим демократик миллий институтлар ташкил этилди, суд-ҳуқуқ тизими янги шарт-шароитлар талабларига босқичма-босқич мослаштирилди. Бугунги кунда фуқароларнинг шахсий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган 120 дан орტიқ қонунлар қабул қилинган.

Иштирокчилар ўз маърузаларида миллий қонунчилик тизимини шакллантириш ва халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементация қилиш жараёни қонун ижодкорлари олди-қадим масъулиятли вазифаларни юклатганлигини алоҳида қайд қилишди. Бу борада Адлия вазирлиги томонидан ҳам тегишли идоралар билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2007 йил ҳамда жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари

Президентимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Таърихлар дастури тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган дастурда Адлия вазирлиги зиммасига ҳам қатор вазифалар юкланган. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш юзасидан 2008 йил май ойида Адлия вазирлиги томонидан «Назорат режаси» ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилаётди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати



Суратларда: конференциядан лавҳалар, Бахтиёр АҚРАМОВ, олган суратлар



Нодир МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

МУРОЖААТЛАР

«ИНСОН ва ҚОНУН» НИГОҲИДА


ЖАРИМА УНДИРИЛДИ

Қумқўрғон тумани прокуратураси томонидан фуқаро Р.Жабборованинг «Ибрагимбобо» номи фермер хўжалиги раҳбари И.Абдумуродов «Аму-занг» каналини ифлослантираётганини ҳақидаги мурожаати юзасидан текшириш ўтказилди.

Текширишда, фермер хўжалиги томонидан давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасини олмасдан, «Аму-занг» каналининг қирғоқ бўйи минтақасида чорва молларини сақлаш учун 2 та молхона қуриб, «Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 11, 13, 14-моддалари, Ер кодексининг 77, 90-моддалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги 174-сонли қарори асосида тасдиқланган Низомнинг 22, 49, 50-бандлари бузилганлиги ҳамда алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ерларидан фойдаланиш

тартибига риоя этилмаганлиги аниқланди. Текшириш натижасига кўра, «Ибрагимбобо» фермер хўжалиги раҳбари И.Абдумуродовга нисбатан МЖТКнинг 95-моддаси, 1-қисми ва 96-моддаси, 1-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, 55,9 минг сўм миқдордаги жарима ундириб олинди ҳамда ноқонуний қурилган бино мулк эгасининг ҳисобидан бузиб олиниши таъминланди.

Д.АБДУРАХМАНОВ,
Сурхондарё вилояти прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси



● Шарҳ

АМНИСТИЯ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида мамлакатимиз Президенти тақдимига биноан Олий Мажлис Сенатининг 2008 йил 28-29 август кунлари бўлиб ўтган XV ялпи мажлисида Сенатнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

Амнистия фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлигини кўрсатувчи муҳим рағбатлантувчи ҳужжатдир. Зеро, бу орқали минглаб оила-лар бағри хурсандчиликка тўлади. Унинг туб замирида жиноят содир этган шахснинг жазоланмасдан туриб ҳам жазодан қўзланган мақсадини таъминлаш масаласи ётади.

Қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарорнинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталадиган бўлсак, унинг биринчи бандида биринчи марта жиноят содир этганлиги учун судланган ёшидан қатъи назар аёллар; жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар; 60 ёшга тўлган эркаклар; чет эл фуқаролари жазодан озод қилиниши ҳамда унинг олтинчи бандида улар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилмаётган барча ишлар тугатилиши белгиланди.

Шу уринда буюк саркарда бобокалонимиз Амир Темурнинг «олтмишдан ошган отадан ош сўрама» ёки «биринчи марта гуноҳ қилган шахснинг гуноҳидан ўтинглари, иккинчи марта гуноҳ қилган шахснинг ҳам гуноҳидан ўтинглари, учинчи мар-

та гуноҳ қилган шахсни гуноҳига яраша жазоланглар», деган ўғитларини эсга олиш ўринли. Бу, албатта, юртимизда азал-азалдан кексалар, аёллар ва ёшлар ҳурмат ва изъатда бўлганлигини кўрсатади. Лекин, қайд этилган шахслар учун белгиланган ушбу имтиёз улар томонидан содир қилинган жиноятлар ўта оғир бўлса, шунингдек, тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибда тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланган бўлса, татбиқ этилмагани ҳам белгиланган.

Қарорнинг учинчи бандида кўра: — амнистия тўғрисидаги Қарор қонуний қўлга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўқсизлик қилгани оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар; — амнистия тўғрисидаги Қарор қонуний қўлга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлар деб топилган шахслар жазодан озод қилиниши белгиланган.

Ушбу банд жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахсларга, шунингдек, ўлим жазоси авф этиш тартибда озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга татбиқ этилмайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, амнистия тўғрисидаги мазкур қарор юртимизда инсон ва унинг кадр-қиммати, ҳатто у жиноят содир этган бўлса ҳам юксак даражада кадрланиши ва уларга тўғри йўлни танлашга имкон бериш орқали ахлоқий тарбиялаш мақсадини қўлаб қабул қилинганлигини тасдиқлайди.

Қарорнинг тўртинчи бандида кўра, жазодан озод қилишга содир этган жиноятининг оғирлик даражаси ва уларга тайинланган жазо меъёридан қатъи назар, озодликдан маҳрум қилиниб, амнистия тўғрисидаги Қарор

Мазкур саҳифа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари юзасидан ҳамкорлик қилиш тўғрисида имзоланган Меморандум асосида Фарғона вилояти прокуратураси фаолияти бўйича тайёрланди.

● Таҳлил

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

Фарғона вилояти прокуратураси органлари ходимлари қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқдалар.

2008 йилнинг биринчи ярмида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонунлар ижроси юзасидан вилоят прокуратураси органлари томонидан жами 438 та текшириш ўтказилди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли идораларга 557 та протест, 926 та тақдимнома, 930 та огоҳнома киритилди. Интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан 1592 та қарор қабул қилинди. Бу қарорлар ва киритилган тақдимномаларга асосан 2095 нафар шахс интизомий, 1010 нафари маъмурий, 916 нафари эса моддий жавобгарликка тортилиб, 104 та жиноят иши кўзга тушди. 5707 прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Айтиш жоизки, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид қонунлар ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларимиз кўлами жуда кенг. Утказилган текширишларда бу борада айрим қонунбузарликлар ҳам

аниқланди. Масалан, «Узгросуғурта» давлат акциядорлик сугурта компаниясининг Фарғона вилояти дирекцияси ўз тасарруфидаги «Сугуртачи» дам олиш уйи мудир А.Аҳмадалиев ва кичик ходим С.Мадаминовларни штат қисқартирилиши асос қилиб, ишдан бўсатади. Бироқ маъмурият Меҳнат кодексининг тегишли моддаларига хилоф равишда бу ҳақда маҳаллий бандлик идораларига ҳам, ходимларнинг ўзига ҳам икки ой аввал хабар қилмаган. Прокуратура аралашуви билан уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Яъни фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро суди уларни ўз иш жойига қайта тиклаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди. Бундан ташқари, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ўз вақтида берилишида йўл қўйлаётган қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда. Вилоят прокуратураси томонидан «Қувасой

чиниси» ОАЖда ўтказилган текширишда жамият маъмурияти томонидан 955 нафар ишчи-ҳодимнинг 147.700.000 сўм иш ҳақи ва 95 нафар 2 ёшгача фарзанди бор онанинг 189.882.500 сўм нафақа пули берилмасдан келинаётгани аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 207-моддаси, 1-қисми, «а» банди билан жиноят иши кўзга тушиб, тергов натижасига кўра, айбдор мансабдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди. 2008 йилнинг 6 ойи давомида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ва бандлик тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан 75 дан зиёд текширишлар ўтказилиб, мавжуд қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича 246 та протест, 254 та тақдимнома киритилган, 192 нафар шахс расман огоҳланган, 461 нафар мансабдор шахс интизомий, 389 нафари маъмурий, 215 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилган, 10 та жиноят иши кўзга тушди. Вилоятимизда туман, шаҳар прокурорлари белгиланган режалар асосида ўз ҳудудларидаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермерлар билан мунтазам равишда

учрашувлар ўтказиб, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялашга қаратилган қонунлар мазмун-моҳиятини тушунтириш орқали амалий ёрдам кўрсатдилар. Тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган тадбирлар вилоят адлия, давлат солиқ бошқармалари, барча банklar, савдо-санот палатаси билан ҳамкорликда ҳам ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, вилоят прокуратураси ва барча туман, шаҳар прокуратураларида «Ишонч телефони» ўрнатилган. Шунингдек, АТ «Микрокредитбанк»нинг «Водил» минибанки бошқарувчиси Элёр Усмонов эса банк мижози бўлган «Абдуллажон ўғли Бозорбой ота» фермер хўжалиги раҳбари М.Абдуллажоновнинг ҳисоб рақамидида 947.770 сўм пулни қалбаки ҳужжатлар асосида ўзлаштириб, талон-тороқ қилганлиги аниқланди. Прокуратура томонидан қонунбузарларга нисбатан жиноят иши кўзга тушди. Воёга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоялаш, улар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири саналади. Воёга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя

қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда айрим қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. Жумладан, Олтиариқ тумани, Охунжонов кўчаси, 31-уйда яшовчи воёга етмаган А.Худойберганов касалига чалинганлиги сабабли унга 27-мактаб ўқитувчилари — Х.Зайнолова, Д.Турғунбоева, Х.Шокировалар уйда таълим беришлари лозим бўлган ҳолда жорий йилнинг март ойидан буён дарс ўтишмаган. Бундай ҳолатларни бартараф этиш мақсадида тегишли мутасадди идораларга тақдимномалар ҳамда Х.Давроновни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Маргилон туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, демократик жамият қурилишида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида «Сиз қонунни биласизми?», «Ҳуқуқий маданият — ҳуқуқий онг», «Миллий истиқлол гоёси ва мен», «Президент асарлари билимдони», «Энг иқтидорли истеъмоли» — 2008» кўрик-танловлари барча туман, шаҳарлар миқёсида ўтказилди. Прокуратура органларининг асосий вазифалари

ридан бири фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашдан иборат. Бу борада вилоят ИИБ органларида «Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида»ги Қонун ижроси, жумладан, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни рўйхатга олиш ва қонуний ҳал қилиниши юзасидан ўтказилган текширишларда 2008 йилнинг биринчи ярмида ички ишлар ходимлари томонидан фуқаролар аризаларининг 54 таси ҳисобга олинмасдан яширилганлиги аниқланди ҳамда бу аризаларни ҳисобга кўйдириш ва тегишли тезкор қидирув ишлари ташкил қилиниши билан фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Бош қомусимизнинг 118-моддасида «...Қонунларнинг аниқ ва бир ҳудудда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади», деб белгиланган. Зеро, қонун устуворлиги таъминланган жамиятда тараққиёт бўлади, ҳар бир соҳа узулқисс ривожланади. **Аббосхон САҒИНОВ, Фарғона вилояти прокурори вазифасини бажарувчи, адлия маслаҳатчиси**

Тизим Тадбирлари

САМАРАЛИ ВА ТАЪСИРЧАН УСЛУБДА

Адлия вазирлигида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш — асосий вазифамиздир» мавзусида кўргазмали семинар ўтказилди. У жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, аҳолининг ҳуқуқий савдо-хонлигини ошириш ишларини янада такомиллаштириш, бу борадаги муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш йўллари ни излаб топиш, шунингдек, ҳуқуқий тарғибот ишларини кўргазмали воситалар ёрдамида олиб бориш амалиётини кенг йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилди. Семинарда сўзга чиққанлар жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқий тарғибот ишларини янада такомиллаштириш, аҳолига норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини содда ва аниқ тушунтириш, бу борада ҳуқуқий тарғибот олиб боришнинг самарали усулларидан, хусусан, кўргазмали ҳуқуқий тарғибот воситаларидан унумли фойдаланиш лозимлиги, шунингдек, ҳуқуқшунос мутахассисларнинг нотижалик малакасига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида мулоҳазалар юритилди.

Дилором МАТКАРИМОВА, «Инсон ва қонун» мухбири

ОИЛА КОДЕКСИГА 10 ЙИЛ ТЎЛДИ

Оила ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи асосий манба Оила кодекси бўлиб, у мамлакатимиз тарихида «Оила» йили деб аталган 1998 йил 30 апрелда тасдиқланди ва ўша йилнинг 1 сентябидан амалга киритилди. Бу йил Оила кодекси қабул қилинганига 10 йил тўлди. Ташқармадан адлия бошқармаси томонидан «Оила кодекси — мамлакатимизда бунёд этилаётган чинакам ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти, инсон манфаатлари йўлида хизмат қилувчи ҳужжатдир» деб номланган шаҳар ФХДЭ органлари ходимларининг илмий-амалий, адабий-мусликий анжумани ўтказилди. Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда Ражабова, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Илҳом Насриев, Ўзбекистон Республикаси Фан аربоби, профессор Ғофур Абдумажидовлар мавзуга оид маърузалари билан иштирок этишди. Анжуман сўнггида адлия бошқармаси томонидан тайёрланган соҳага оид рисолалар тақдими бўлиб ўтди.

Гулсумхон ШОДИЕВА, «Инсон ва қонун» мухбири

ҚАРОР ИЖРОСИ

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ва Янгйер шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида шаҳардаги 8-ўрта умумтаълим мактабида Вазирлар Маҳкамасининг 365-сонли қарори ижроси ва уни аҳоли ўртасида янада кенг тарғиб қилиш юзасидан давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари билан бир қаторда шаҳардаги барча тиббий муассасалар раҳбар ходимлари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси фаоллари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирок этдилар. Йилнинг сўз олган шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Урмубоева мазкур қарор ижроси юзасидан амалга оширилган ижобий ишларга батафсил тўхталиб, шу билан бирга ечимини кутаётган муаммолар ҳусусида фикр юритди. Давра суҳбати фикр-мулоҳаз ва мунозараларга бой тарзда ўтди.

Рашида СОЛИЕВА, Янгйер шаҳар ФХДЭ бўлими мудир

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Навой филиалида адлия, прокуратура, ички ишлар органлари, сиёсий партиялар, ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органлар устидан жамоатчилик назорати» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим шарти эканлиги ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши, бу борада тўлган тажриба ва мавжуд муаммолар тўғрисида батафсил фикр юритилди.

Маруза ХОСИЛОВА, «Инсон ва қонун» мухбири

ҚОНУН ТАРҒИБОТИ

Сурхондарё вилояти адлия бошқармасида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун тарғиботида бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирда аҳолига кенг қўламли тушунтириш ишлари олиб бориш, одам савдосининг жабрланувчиси бўлиб қолишнинг олдини олиш, жабрланганларга қонун талабларидан келиб чиқиб ёрдам кўрсатишда вилоятдаги ўзини-ўзи бошқариш ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш ва улар билан ҳамкорликни кучайтириш борасида фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан тўлақонли жавоблар олдилар.

Отабек НОРБОВЕВ, Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари



Суратда: вилоят прокуратураси ташаббуси билан Қўқон шаҳрида ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркаси.



Суратда: Фарғона шаҳар прокурори Бобуржон Деҳқонов спорт мусобақалари голибларига эсдалик совғаларини топширмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон фуқароларининг хорижий давлатларга хизмат сафари билан, бизнес ишлари, даволаниш ва дам олиш учун чиқишлари, чет эл фуқароларининг ҳам шу каби мақсадларда мамлакатимизга ташриф буюришлари қонун асосида тартибга солинган. Кузатиладикки, хорижга чиқувчилар сони ҳам торабора ортиб бормоқда. Аммо...

Айрим нопок шахслар одамларни хорижга ишлаш, дам олиш ёки бошқа бахоналар билан, ноқонуний равишда олиб кетиб, уларни қул қилиб сотиш ёки эркини чеклаш йўллари орқали турли мақсадларда фойдаланиш билан шуғулланмоқдалар. Уларнинг тузогига илинганлар текинга ишлайдилар, айримлари ҳатто тана аъзоларини кўчириб олиш мақсадида сотиб юборилмоқда. Энг ачинарлиси, чет эл фуқаролари билан биргаликда бундай разиликка виждон, ватан туйғуси нелигини билмаган ҳамюртларимиз ҳам қўл уришмоқда. Бу дунё ҳамжамиятини ташвишлантираётган жиддий муаммага айланган.

Одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2008 йил 17 апрель кунини Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. 4 та боб ва 17 та моддадан иборат мазкур Қонун бу йўналишдаги чора-тадбирларни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтирди. Шунингдек, Қонунда ҳуқуқни

ОДАМ САВДОСИ

унга қарши курашиш кенг жамоатчиликнинг муҳим вазифасига айланди

муҳофиза қилувчи идоралардан ташқари барча давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда фуқароларнинг одам савдосига қарши курашишда кўмаклашиши лозимлиги таъкидланиб, бу масалага нафақат масъул идоралар, балки кенг жамоатчилик эътибори қаратилди. Қонунда «Одам савдосига қарши курашиш», «одам савдоси» ва «одамлардан фойдаланиш», «одам савдоси билан шуғулланувчи шахс» деган ҳуқуқий тушунчаларга изоҳ берилган. Ушбу Қонунда қонунийлик, бу муҳим жиноят билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги, одам савдосидан жабрланган-

ларнинг камситилишига йўл қўймаклик одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари эканлиги таъкидланган. Қонунда одам савдосига қарши курашишни ташкил этиш, бу йўналишдаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ва уларнинг бу борадаги ваколатлари аниқ белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Таъқиқ ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикасининг

жиноятдан жабрланган фуқароларимизга мамлакат ичкарисид ва чет элларда (Ўзбекистон Республикаси Таъқиқ ишлар вазирлигининг ваколатхоналари мавжуд бўлган давлатларда) уларни қўқариш юзасидан қонун асосида тегишли ёрдам кўрсатилади. Одам савдосига қарши курашишга масъул давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика

ни яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш идораларо комиссиянинг вазифалари сирасига қиради. Шунингдек, Қонунда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан иختисослаштирилган муассасалар ташкил этилиши назарда тутилган. Бу муассасалар одам савдосидан жабрланганларга қўлай яшаш шароитларини яратиш, уларни озиқ-овқат, дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш, шойилинч тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа хил ёрдам кўрсатиш, ижтимоий реабилитация қилишга кўмаклашадилар. Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш уларни нормал турмуш тарзига қайтаришга қаратилган бўлиб, бу вазифа Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида таъкидланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Суд томонидан одам савдосида айбдор деб топилган шахслар одам савдосидан жабрланганларнинг таъминоти ва уларни реабилитация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплайди.

Абдумалик МУРТАЗОВЕВ, Фарғона вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Материалларни газетанинг Фарғона вилояти бўйича мухбири Хуршид СУЛТОНОВ тайёрлади.

